



# Жабабар

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 9 февраль № 6 (183)

Сотувда нархи эркин

## ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

**Чилонзор телефон тармоғи Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибиде ташкил этилган биринчи тармоқлардандир. Тармоқни ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган телефон алоқаси хизмати ни яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида бош муҳандис Баҳодир Қосимович МИРҲАБИБОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:**

Чилонзор телефон тармоғи пойтахтнинг Чилонзор, қисман Акмал Икромов ва Яккасарой тумани аҳолиси-



ри жуда яхши ишлаганида ҳам 100 та абонентнинг фақат 17-20 нафаригина бир вақтнинг ўзиде кўнғирок қила олиш имкониятига эга. Координат тизимидаги АТСларда ҳам шунга ўхшаш имкониятлар чекланган ҳоллар бор.

Утган йили Ўзбекистонда телекоммуникация ва алоқа воситаларини ривожлантиришга қаратилган Миллий дастур қабул қилинди. Дастурда ишлаш мuddати тугаган, ҳозирги кун талабларига жавоб бера олмаётган алоқа воситаларини жаҳон андозлари даражасидаги янгилари билан босқичма-босқич алмаштириш, ЭХМ ва автоматик бошқарув воситаларининг янги тизимларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш каби тадбирлар кўзда тутилган. Ана шу дастурни амалга ошира бориб телекоммуникация ишлари буйича жаҳонда пешқадамлик қилиб келаётган «Алкатель», «Сименс», «ДЭУ» фирмалари билан узоқ мuddатли шартномалар тuzилди. Хусусан тармоғимиздаги Чилонзор даҳасининг 8-мавзесида «Алкатель» фирмаси рақамли электрон АТСни монтаж ва соzлаш ишларини тугаллади. Бу янги 73-АТСдан абонентлар фойдалана бошлайдилар.

Италия фирмаси эса Чилонзорнинг 31-мавзесида янги 70-АТСнинг қурилиш-монтаж ишларини қизитиб юборди. Бу АТС июль ойидан бошлаб Алгоритм ва 30, 31-мавзе аҳолисига хизмат қила бошлайди. Чилонзорнинг 19-мавзесидаги 16/17-АТСнинг 5000 рақами ишга туширилди, қолган 5000 тасини ҳам ишга тушириш борасида меҳнат қилинмоқда. Ҳозирча ана шу АТСнинг 1000 рақами Шайхонтохур туманининг Ибн Сино мавзесида хизмат қилади. Кейинчалик шу бинода 18-АТСнинг 10000 абонентга мўлжалланган жиҳозлари ўрнатилди. Мавжуд декадали одимлаб ишловчи 76 ва 77-АТСларни электрон АТСларга алмаштириш борасидаги тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Шу тарзда аввал декадали одимлаб ишловчи АТСлар, улардан кейин координат тизимидаги АТСларни ҳам электрон АТСларига алмаштириш режалаштирилган. Шу ўринда амалдаги АТСлар жиҳозларини алмаштириш, абонентларни бир АТСдан иккинчи АТСга ўтказиш ишлари мавжуд телефонларнинг ишлаб туришини тўхтатмаган ҳолда амалга оширилади. Электрон АТСларда линия, кабелларнинг техник ҳолатига бўлган талаб юқори. Абонентларни блоктор орқали улаш умуман кўзда тутилмагани боис линия, кабел тармоқларини таъмирлаш борасида ҳам кенг кў-

(Давоми 2-бетда.)



Тошкент почтамтининг почта сугурта бўлими ходимлардан юқори малака ва жиддий эътибор билан меҳнат қилишни талаб этади. Бўлим бошлигининг ўринбосари Р. КАНЦУРда ушбу хислатларнинг барчаси мумкин. Сураткам Т. Луфтуллаев

## ҚИРҚ ДАСТУРЛИ РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР

Бухородаги «Бухороий шариф» электроникс корпорейшен» қўшма корхонаси аҳолининг талаб ва эhtiёжини қондириш мақсадида бир талай ишларни амалга ошираётир.

Жанубий Корея билан ҳамкорликда бу ерда ишлаб чиқарилган илҳам ва бежирим рангли телевизорларни республикамизнинг барча марказий дўконларида уратиш мумкин. Эндиликда корхона ўз имкониятлари доирасини янада кенгайтира бориб, Олмон билан ҳамкорликда янги «Грундик» номли рангли телевизорларни ишлаб чиқишни йўлга қўйди.

Бундан бир неча йил илгари Ўзбекистонда шундай ажойиб махсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Экрани оддий телевизорга қараганда бир ярим баравар катта, оғирлиги 40 килограмм бўлган 40 дастурли ушбу янги телевизорлар мустақиллигимиз меvasидир.

Маълумки, бугунги кунга келиб, дунёда электроникага бўлган талаб кундан кунга ортмоқда, — дейди қўшма корхона йиғув ченининг бошлиғи Шариф Сатторов. — Биз шартнома асосида ойига 100 донда шундай телевизор ишлаб чиқараямиз. Корхонамизда меҳнат қилаётган мутахассислар Ўзбекистонда ҳам электрониканинг етакчи бир тармоқ сифатида шаклланиши учун бир қанча ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари билан битимлар тузиб, жамловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлардан биргаликда тайёр махсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдалар.

\* Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошчилигидаги парламент делегацияси Германия Федератив Республикаси Бундестаги ва ҳукумати уюштирган «Демократия ва конституция» дастурида иштирок этиш учун 6 февраль куни Тошкентдан шу мамлакатга жўнаб кетди.

\* Тошкент Давлат Аграр университетиде «Шу азиз Ватан — барчамизники» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

\* Республикамизда мустақилликнинг беш йиллигига бағишланган «Мустақиллик, экология ва саломатлик» кўрик-танлови бошланди.

\* Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган, жаноб Ион Попеску бошчилигидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш Программасининг «Инсон ҳуқуқлари ва Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви тизими ни яхшилаш» номли миссия делегацияси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида қабул қилинди.

\* «Эко» ҳафтаномасининг биринчи сони нашрдан чиқди.

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

\* Янги оловлар \* Воқеалар \* Хабарлар

\* Тожикистон маъмурулари билан ҳукуматга қарши чиққан мухолифатчилар ўртасидаги музокараларда муроСага келинди. Расмий Душанбе ҳукумат таркибиде қарор ўзгаришлар қиладиган, исён кўтарганларни авф этадиган, мухолифатчи ҳарбийлар эса ўз қисмларига қайтадиган бўлди.

\* Озарбайжон парламентида кўшимча сайловлар бўлиб ўтди.

\* Чеченистон раҳбари Доку Завгаев яна икки ҳафтадан сўнг Россия федерал қўшинлари Чеченистондан олиб чиқиб кетила бошлаш мумкинлиги тўғрисида баёнот берди.

\* Украинанинг 700 минг нафарга яқин қончилари иш ташлашни давом эттирмоқдалар.

\* Президент Аскар Акаевнинг фармони билан Ўзбекистоннинг машҳур эстрада хонандаси Фаррух Зокировга «Қирғизистон халқ артисти» фахрий унвони берилди.

\* АҚШ, Норвегия, Россия ва Украина биргаликда Тинч океанида сузиб юрувчи космодром мажмуаси барпо этиш лойиҳасини тайёрлади.

\* Харбин шаҳрида тантанали вазиятда Қишки Осиё ўйинлари очилди.

\* Америкалик машҳур боксчи Муҳаммад Али Кубага инсонпарварлик ёрдами олиб келди. Унинг Фидель Кастро билан учрашуви қутилмоқда.

## ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

(Боши 1-бетда.)

ламда ишлар олиб борилаётди.

Яқинда абонентлар билан ишлаш борасида маҳаллий компьютер тармоғини ишга туширдик. ЭХМ хотирасига абонент ҳақидаги барча маълумотлар, жумладан шаҳарлараро сўзлашув тўғрисидаги ахборотлар киритилади. Шикоят билан келган абонентлар бир жойнинг ўзида, дақиқалар ичида аниқ жавоб

оладилар. Бу тизимнинг ишга туширилиши станция ва линия мантурлари ишини назорат қилишда кўл келмоқда. Телефонларни вақтида тузатиш борасида шу вақтгача йўл қўйилган баъзи қалбакиликларга чек қўйилди. Тошкент Электротехника алоқа институти билан ҳамкорликда бир қатор тадбирларни амалга оширяптиз.

Кези келганда афсус билан шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, янгиликдан чўчидиган,

янги техника ва технологиянинг жорий этилишига тўғнақ бўлаётган, юқоридан кўрсатма кутиб ишлашга ўрганиб қолган мансабдор шахслар ҳамон учраб турибди.

Яқин-яқинларда баъзи ўртоқлар радиотелефон алоқаси, йўлдошлари, халқаро телефон станцияси каби алоқа воситаларини Ўзбекистонда жорий этиш учун камида 50 йил керак деб «башорат» қилишганди. Ваҳоланки бу ишлар Ўзбе-

кистонда кейинги йилларда, жуда қисқа муддатларда амалга оширилди. Президентимиз 1996 йил—юксалиш йили бўлади деб айтди. Республикаимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам алоқа соҳасида олиб борилаётган ишларга ҳолис баҳо бериладиган бўлса, алоқачилар юксалиш йўлига чиқиб олдилар деб дадил айтиш мумкин. Фақат бу йўлдан оғишмай ва илдам боришимиз керак.

Тўққиз ЛУТФУЛЛАЕВ  
суҳбатлашди

## ОЛҚИШ ОЛАЁТГАНЛАР

Жиззах вилоятининг Зафаробод тумани худуди Фориш тоғлари этакларидаги бепоён яйловлар ва Қизилкўм чўлларига туташиб кетган.

Зафаробод тумани почта алоқаси боғламаси жамоаси аҳолига намунали хизмат кўрсатиш борасида астойдил меҳнат қилишаптир. Жамоада 22 нафар хизматчи бор. Туманининг кўрғон ва қишлоқларида 6 та қишлоқ алоқа бўлими мавжуд.

— Боғламамиз ходимлари ва қишлоқ алоқа бўлиmlарининг почтачилари туманимиздаги 2290 нафар нафақачи ва 800 нафардан зиёд кўп болали оналарга

беминнат хизмат кўрсатмоқда, — дейди туман почта алоқаси боғламаси бошлиғи Гаффор Орипов. — Ҳар ойда икки ярим миллион сўм миқдорда нафақа пулларини ўз вақтида тарқатаймиз. Аҳолига хизмат кўрсатиш йиллик режасини муваффақиятли урдалаб, 1995 йилни 20 минг сўм фойда олиш билан якуналик. Аҳолини газета-журналлар ва турли адабиётларга (шу жумладан, бадий китобларга) обуна қилиш бўйича вилоятда иккинчи ўринни эгаллади. 1996 йил учун йилгилан обуна миқдори қарийб бир миллион сўмни ташкил этди. Шунингдек, почта жўнатмалари бўйича йиллик режа 107 фоизга урдаланди.

Бу ютуқларда «Лозор», «Бирлик» ва Тимирязов қишлоқ алоқа бўлиmlарининг бошлиқлари Абдумурод Тогаев, Иброҳим Утаев, Ширин Татимбетова, почтачилардан Олия Дўстмуродова, Ғуилой Хужанова ҳамда тажрибали оператор Лола Мамадалиеваларнинг ҳиссаси катта бўлди. Аҳолига кундалик почтани ўз вақтида келтиришда хайдовчи Неймат Толлиев ҳам астойдил хизмат қилди.

1996 йили боғлама жамоасида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маошларини минг сўмга етказиш мўлжалланган. Бундан ташқари, почта хизмати ходимларига қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиб бериш юзасидан чора-тадбирлар кўриляпти. Жамоа аъзоларининг ҳаммаси уй-ёна ва махсус кий-

им-кечаклар билан таъминланган.

Почта алоқаси боғламаси раҳбарияти ёрдамчи хўжаликка эга бўлиш ниятида «Уч қаҳрамон» ижара-ширкатлар бирлашмаси худудидаги сўғориладиган ерлардан 10 гектар экин майдони ажрати берилишини сўраб туман ҳокимлигига илтимоснома билан мурожаат этди. Ердамчи хўжаликни ташкил этишдан мақсад почта алоқаси ходимларининг озик-овқат махсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, уларнинг моддий-маиший аҳолини сезиларли даражада яхшилашдир.

Анвар ИМОНОВ,  
Жиззах вилояти

## УМРЛАР БЎЛАДИКИ...

Каримжон Усмоновни кўпдан бери яхши билман. У раҳбарлар орасида бетакрор фазилатлари билан ажралиб туради. Унинг мураккаб иш шароитида ҳам жамоа билан яқдил, ҳамнафас бўлиб, ҳамisha



янгиликка интилишини, табиат ато этган босиқлигу камтаринлигини кўп кузатганман.

Каримжон Усмонов Республика радиоалоқа, радиозиттириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи. Муаммолар кўпайган даврда радиозиттириш ва телевидение тараққий этиши, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, корхона ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш каби вазифаларни бажариш осон эмас. Карим Раҳимович у юмушларни урдалаш учун дадил, собиткадамлик билан иш олиб бормоқда. Ўзбекистон радиоси ва телевидениесининг аниқ ва мунтазам ишлашида, корхонадаги ишлаб чиқариш ютуқларида унинг муносиб хизматлари бор.

Ўзбекистонда биринчи бўлиб эфир-кабел телевидениеси, «Камалак-ТВ» ўзбек-америка қўшма корхонаси ҳамда пейжинг алоқасини йўлга қўйишда Карим Усмонов фаол иштирок этди. Эндиликда республикаимизда «Телестар»ни жорий этиш пайига тушган. Ушбу тизим ҳам алоқа соҳасида янгилик ҳисобланади. Бу юмушлар машаққатли меҳнат ва тинимсиз изланишлар эвазига урдаланади.

Шу кунларда ҳамкасблар, ёру биродарлари заҳматкаш алоқачи Каримжон Усмоновни 50 ёши билан кутлаб, унга септа-саломатлик, ишларида омад тиламоқдалар. Биз ҳам ана шу эзгу ниятларга тилақдоримиз.

А. КУДИНОВ



Тошкент Электротехника алоқа институтининг микропроцессор ва локал ҳисоблаш тизимлари тажрибахонасида машғулларни техника фанлари номзоди, доцент Д. ЮНСОВ олиб боради.

Аҳолига алоқа хизмати кўрсатишни яхшилашда тадбиркорлик ва ишбилармонлик керак, — дейди Навоий вилояти, Хатирчи тумани электралоқа корхонаси бошлиғи Асоқул СУЙОНОВ.

Республикаимизда иқтисодиёт, маданият, илм-фан ва бошқа

йилларда Хатирчи тумани аҳолисига телефон хизмати кўрсатиш атиги 6-7 фоизни ташкил этган эди.

Республикаимизда телекоммуникацияни ривожлантириш бўйича Миллий дастур ишлаб чиқилган. Унда 1995 йилдан 2010 йилгача бу борада қилинадиган асосий

корхонаси жамоаси фаолиятида қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Гўгина корхона ва ташкилотлар дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўз вақтида тўламаёттирлар. Банк хизмати яхшилансагина алоқа соҳасида ҳам тўз ўзаришлар бўлади. Кейинги пайтларда ташкилотлар билан

## ТАКЛИФЛАР ИНОБАТГА ОЛИНСА...

Ўтган йили алоқа ташкилотлари ва корхоналарининг раҳбар ходимлари аттестациядан ўтказилди. Республикаимиз вилоят ва туманларидаги раҳбар ходимларнинг аксарияти Тошкент Электротехника алоқа институтида сабоқ олган собоқ талабалардир.

Уларнинг замонавий алоқа техникасини билмаслик-

ларини синов натижалари кўрсатди. Ваҳоланки, мутахассисларнинг ҳақон андозасидан ибрат олиб, замонавий алоқа хизмат техникасини пухта ўзлаштириши лозимлиги давр тақозосидир.

Аттестация жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун қўйиладиган таклиф қилмоқчиман.

Вазирлигимиз Тошкент Электротехника алоқа институти ва коллежи раҳбарияти билан биргаликда замонавий алоқа техникасидан фойдаланишга лаёқатли кадрларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш дастурини ишлаб чиқишлари лозим. Бунинг учун эса узоқ туманлардан келган кадрларнинг билим савияси, техника малакаси ва қизиқиш ҳисобга олиниши керак. Дастурда алоқа техникаларини мукаммал ўзлаштириш учун босқимчал-босқич ўқитиш кўзда тутилгани маъқулдир.

Дастурни амалга ошириш учун алоқа институти ва коллежга малакали ўқитувчиларни жалб қилиш лозим.

Алоқа техникасига оид дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш, бу соҳага дахлдор адабиётларни таржима қилиш ҳам долзарб масаладир.

Саяддон СИДИҚОВ,  
Тошкент Электротехника алоқа институтининг кафедраси мудири

## ТАДБИРКОРЛИК КЕРАК

соҳалар каби алоқа хизматида ҳам ислохотлар олиб борилмоқда. Бу соҳа замонага мос қадм ташлашни талаб қилапти. Хорижликлар билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхоналар, чет эллардан келтириладиган ҳизматлар ҳам алоқа хизмати кўрсатишни яхшилайди, албатта. Аммо кўпгина шахар ва туманларда аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш қониқарли эмас.

Ривожланган давлатларда аҳоли жон бошига алоқа хизмати кўрсатиш даражаси анча юқоридир. Бизда эса бу кўрсаткич анча паст. Масалан, 1993-1994

вазифалар белгилаб берилган. Бу борада жойларда амалий ишлар қилинмоқда. Биз ҳам туман хокимлиғи билан ҳамкорликда иш режамизни ишлаб чиқдик. Бу йил 3 минг рақамга мўлжалланган янги АТСни ишга тушириш, қишлоқ аҳолисини замонавий сўзлашув воситалари билан таъминлаш борасида кўпгина ишларни амалга ошириш ниятдаммиз. Рақамли телефон сифатли алоқа хизмати кўрсатиш учун қулай усуллар. Рақамли телефонлардан туман аҳолиси ҳам тез кунларда баҳраманд бўлишига умид қилаётимиз.

Хатирчи тумани электралоқа

ўзаро ҳисоб-китоблар қийинлашиб борапти. Уларнинг мўлҳирлик ҳисоблари ёпилмоқда. Бу эса хизмат ҳақларимизни ундириб олишимизга монелик қилаётир. Бу қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида векселлар чиқарилгани аниқ муддао бўлди. Ҳозир шу тўлов тури билан муомала қилиб турибмиз.

Бугунги кунда алоқа соҳасида ҳам тадбиркорлик, ишбилармонликни ривожлантириш муҳим масала. Шундангина аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш яхшиланади.

Суҳбатни Юсуф РАСУЛОВ  
эътиборида

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиғи вазирлигининг собоқ ходими, уруш ва меҳнат фахрийси **ТОРОПОВ Иван Яковлевич** вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон почтаси» концерни жамоаси республика почта жўнатмалари назорат бюроси кекса ходими **ЧУРБАНОВА Валентина Филипповна**нинг вафот этганига муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

## ТУМАН ТЕЛЕСТУДИЯСИ

Дангара туманида «Юлдуз» янги телестудияси фаолият кўрсата бошлади. Ҳафтада уч марта эфирга чиқадиган бу телестудия вилоят ва туман ҳаётига оид рангбаранг кўрсатувлар тайёрлайди, иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги ютуқ ва муаммоларга алоҳида ўрин берилади. Унинг хизматидан Наманган вилоятининг Чуст ва Поп тумани аҳолиси ҳам баҳраманд бўлади. Ҳозир Фаргона вилоятида еттита телестудия ишлаб турибди.

Кел эй, Жомий, умр бўйи машаққат тортиб, кўнглингдан «Беш ганж»ни дунёга чиқардинг. Сенинг бу «Панж ганж»нинг шундай кучли панжа бўлдики, (бахшлаганда) дарёкафтлар кўли ҳам бурилиб кетди... Бирок, ҳар бир хазина ўлчовчи (яъни сўз шoir)нинг қаламидан бу дунё «беш хазина» билан бойланибди. У «Беш ганж»ларга сенинг «Беш ганж»нинг тенглаша олармиди? Уларнинг бир хазинаси сенинг юз хазинаданган яхшидир. Хусусан, у панжаки (Навоий «панжаси») Ганжадан сарпанжа урганга (яъни, Низомий Ганжавийга) шер каби ўз сарпанжасини урди, туркий тилда бир ажойиб кўшиқ куйладики, жоду нафаслиларнинг оғзи муҳланди. Бу қаламга (Навоий қаламига) фалақдан офаринлар ёғилсин! Чунки бу ёқимли нақшнинг ўша қалам яратди ва форсий тил эгаларига, форсча назм шoirларини тизувчиларга (Навоий...) раҳм қилди: у ҳам форсий тилда өзганада бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Бу мўъжизакор назм дурларини шoirтучи қаршида Низомий кимму, Хусрав (Дехлавий) ким бўлди?

Эй, Навоий, сенинг таъбинг сўз устодидир. Қалами билан сўз хазинаси эшигини очдинг. Равнақдан қолиб кетган ва хорлик бурчагидан ўрин олган туркий сўзга сен янгидан обрў бердинг. Уни ижод майдонига олиб кийдинг. У сенинг раъининг (фикрининг) нуридан сафоли бўлди, лут-

финг навоиси бойлигидан бенаволар наволи бўлди...

«Хамсатул мугахаййирин»даки \*\*\*

Бу шарофатли жойини (Хирот жоме масжидини) султон Абул-фалх Гиёсуддин ҳукмронлигининг сў-

кетди. Бу аҳвол олижаноб султон Хусайнинг яқин дўсти амир Алишернинг равшан хотирига нур сочиб, тамоми олий ҳимматини ушбу шарофатли масжид биносини янгилаш ва ўша олий ибодатхона-

ва қосибларга қимматбахо сару-полар кийдирар ва уларни кўп сийлар ва бошқа инъомлар билан хушдилу хурсанд қиларди. Шу тариха тангрининг қувватлаши ҳамда подшоининг чексиз ёрдами билан уч-тўрт йиллик иш олти ой

рибончиликлари шуъласида Хондамир деб шукрат қозонган бу фақир банд ва ҳақир зарра Гиёсуддин ибн Хумомуддин вужудининг ниҳоли ёш чоғидан то йигитлик даврининг охирига қадар ул ҳазрат (Навоий)нинг лутфу эҳсон ариқлари ёқасида ўсиб-унди.

Йул кўрсатувчи ақл жон қулоғига айтдики, ҳарчанд бу хайру-эҳсон эгаси бўлиши одил амирнинг яхшиликлари зикри ва тавсифларининг овозаси дунёнинг ҳамма томонига ёйилган ва одам болалари орасида тилдан-тилга, оғиздан-оғизга кўчиб юрган... бўлса-да, бирок ушбу қудратли ва бахтли амирнинг яхши ахлоқ ва гўзал одоблари фазилатидан, шунингдек муборак аҳволлари ва мақбул одатларидан, бадеий аҳволи ва ажойиб воқеаларидан бир өзгинасини ўз ичига оладиган парчаларни тартибга солиб шарҳулаша, ҳақ ўташ ва зифалари бир қадар бажарилган ва заррача бўлса-да олийҳазрат неъматлари шукронасининг уҳдасидан чиқилган бўлур эди.

Умидимиз шулдурки, то қиёматгача ва қиёматда ҳам улуг ҳазратнинг яхши ишлари ва ёқимли феълларининг зикри замон саҳифаларида, кеча ва кундуз варақларида мангу қолур...

ХОНДАМИР

(«Мақоримул-ахлоқ») асаридан  
Нашрга тавёрловчи  
М. МАХМУДОВ

Алишер НАВОИЙ таваллудининг 555 йиллигига  
**НАВОИЙ ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА**

нгни пайтларида бино қилдирган эди. Лекин олижаноб хотири бино қурилишининг тамомланишидан фориг бўлмай туриб, тангрининг раҳматига етишди. Унинг инисин султон Шаҳобиддин ҳам хоразмишоҳ (Алоиддин Муҳаммад) билан бўлган низоолар туфайли масжид қурилишини охирига етказолмади. Лекин ўғли Гиёсуддин Маҳмуд тахтга ўтиргандан кейин ул табаррук манзил иморатини битказди.

Шу тариха кўп муддат ўтгандан кейин Чингизхон исбени ва Хурросон вилоятларининг вайрон этилиши оқибатида бу юксак манзил харобаликка юз тутди... Ва султони соҳибқирон, бахтиёр подшоҳ Абулғози султон Хусайн Баҳодирхон подшоҳлиги даврида зилзила бўлиб, унинг токи ҳамда мақсурали бутунлай шикастланди, баланд деворлари букчайиб қолди. Баланд шифтининг оппоқ ганчлари тўкилиб, нам тупроқ билан қоришиб

нанинг асосларини мустаҳкамлаш ишини жадаллатишга қаратди, сўнг мусулмонлар подшоиси (султон Хусайн)дан ижозат, улуг ва муқаддас машойихлар арвоҳидан кўмак олиб, 903 йилнинг рамазон ойи (1498 йилнинг апрель, май ойлари)да дастлаб мақсуранинг қулаб тушган гумбаз ва пештоқиши тиклашни буюрди, сўнгра тажрибали меъморлар ва мудаққиқ муҳандисларнинг ёрдамида ўша бинони тўзатишга амр қилди. Мақсура суфасининг икки томонига баланд кўшайвон ҳам қурдирди. Хайру саховатли бинокор амир Алишер ўша иморатни тиклаш хусусида кўп гаҳмўрлиги туфайли ҳар кунни ўша шарофатли манзилга ташриф буюрар, кўп кунлари чопони этагини белга қистириб, ёлланган ишчилар каби, усталарга гишт олиб берарди ҳамда бошқа юмушларни қиларди. Тез-тез ўша ердаги меъморлар, усталар

ичида охирига етказилди. Мақсура айвонининг баландлиги дарён кароматли амир Навоийнинг ҳиммати билан илгаригига қараганда олти-етти зира ортқ бўлди. Иш асосан тамомлангандан сўнг... фузало ва шуаро ўша бинонинг битказилиши тарихини назм ипига тиздилар...

ХОНДАМИР

(«Хулосатул-ахбор фи аҳволул-ахёр» асаридан)

Басират (ўткир кўз) эгаларининг назарида яширин қолмасинки, шараф ва улуглик осмонининг кўёши, дунё буюқларининг пешвоиси, яхши хулқлар манбаи, илму ирфон, таҳқиқ ва ишонч аҳлларининг қибагоҳи, хоқон давлатининг таянч ва паноҳи, ҳазрати султоннинг яқини, фақирликка бою, ҳимматта ботир, олийҳазрат Низомул-Ҳаққ вал-ҳақиқат вад-дунё вад-дин амир Алишернинг узлуқсиз меҳ-



**ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР**  
...Дарахт бир жойда ўсади, ўғлим. Жойинг «ёғлиқ». Ўша ерда «томир ёзавер»...  
Сигир сотилади... буқаси билан.  
Бўри қўйга:  
— Мен сенга хашак, сен эса менга гўш берасан. Шартномага имзо чек!  
Унинг кўзини «очиб» қўйишди. Аммо... оғзини ёпишолмади.  
Тил Тишинг устидан игво қилди. Игвогар жазосини олди. У тишлаб ташланди.

Кабутар макиёни билан учрашишга келишибди. Бир соат кутибди, икки соат... Макиён кенқурунгина келибди.  
— Намунча кеч қолмасанг. Инингдан бу ерга беш дақиқада учиб келиш мумкинку!  
— Азизим, ташқарида ҳаво шундай ажойиб эдики, менинг яёв юргим келди.

**МИТТИ МАСАЛЛАР**  
x x x  
Яширин мажлисда сичқонлар қабиласини мушуклар ҳужумидан қутқариш масаласи кўриларди. Энг доно сичқон мушукнинг бўйнига кўнғироқ осиб қўйиш керак, жиринглаганда ҳамма хавфдан огоҳ бўлади дея тақлиф киритди.  
— Хўш, кўнғироқни ким осадди? — деб сўради сичқон боласи.  
— Буни биз алоҳида тартибда ҳал қиладурмиз, — деди доно сичқон.  
x x x  
Икки чумоли уй шифтида сайр қиларди.  
— Одамлар ҳам гирт тентак-да.  
— Нера?  
— Уй шифтини безашга шунча пул сарфлашади-ю ўзлари ерда юрадилар.

— Дадаси, келинг, ўғлимизни уйлантириб қўяйлик. Унинг жазосини хотини берсин!!!  
Абдуазиз ХОШИМОВ,  
Каттакўрғон шахри

Алий НАЗИМО  
**ХАТ ЁЗМОҚ БАЁНИДА**

Ёзилган хатларни диққат ила ёзмақ, ўйлаб ёзишга киришмақ кўп керакли бир ишдир. Тўрт йўлли бир оддий мактубча қандай ўқиб, қандай тарбия олганингизни кўрсатадир ва ўйламай ёзилган бир неча сўз сизни айбли қилиб, обрўингизни туширурга етадир. Сўз ҳаво кабилдир, лекин ёзилса йўқолмас.

Ўз номингизга ёзилмаган хатларни очиш, имзо чекмасдан хат ёзмақ ҳам яхши эмас. Имзосиз, сирли суратда хат ёзмақ номуссиз, ятсиз кишиларнинг ишидир. Ҳар бир она кизига юборилган хатларни ўқиб ёки ўқитиб, нима тўғрида эканлигини билмакка бурчлидир. Агар сизга бир неча киши ёнида хат берилса, уни асло очиб ўқимангиз, агар тез жавобини кутиб турсаларгина ул хатни ўқишга рухсат сўрангиз.

(«ҚИЗЛАР ДАФАРИ» асаридан)

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги  
Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК  
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖўРАБОВ, Шўҳрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ  
Иззат АҲМЕДОВ (Масъул котиб)  
Мирпулат МИРЗО  
Тоҳир РАҲИМОВ  
Ёқубжон ХўЖАМБЕРДИ  
Бобохон ШАРИФ  
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўриной АҲМЕДОВ

ОТАУЛИ Саидмаҳмуд АКБАРОВ  
Шоҳруҳ АКБАРОВ  
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ  
Жамол КАМОЛ Тулқин  
ЛУТФУЛЛАЕВ Тоғай МУРОД  
Сафар ОСТОНОВ Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600  
**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**  
Муҳарририятта келган кўлазмалар (2 ғоралиқ, 5 бетдан ортимаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасида.  
Рўйхатта олиш №000011. Буюртма №Г-0106. 9894 нусхадан чоп этилди.  
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРҚ. НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 12

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Хафтаном». 8.00-8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулulloх». 2-фасл. 23-қисм. 9.10 «Ковоквой ва Чаноквой». Йўлдош Оқунбоевнинг номидagi Еш тошабинлар театрининг спектакли.

10.20 «Италия таассуротлари». 3-курсатуви. 10.45 «Матрица маскани». Мактаб, оила, жамоатчилик. 11.15 Дони Зокиров номидagi халқ чолғу оркестрининг концерти.

11.45-13.00 «Холодильникда кимдир бор». Бадий фильм. 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар.

18.10 «Миллат». 19.25 «Ахборот» (рус тилида). 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Ахборот». 20.55 3. «Миллат» публицистик курсатуви давоми.

21.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулulloх». 2-фасл. 24-қисм. 22.10 «Миллат» публицистик курсатуви давоми.

23.25 «Ахборот». 23.30 «Ахборот». 23.50-00.25 Аҳмадjon Дадаев куйлайди.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Миллат». 18.15 «Мультифейерверк». 18.50 «Палитра».

19.15 ТВ II намойиш этади. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Ахборот». 19.50 «Муъжиза». Дэвид Коллер-фильм.

20.15 «Мусликий йўлка». 20.25 «Ахборот». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ахборот». 20.55 «Курьер».

21.15 «...яна 10-даво ҳақида». 21.25 ТВ II намойиш этади. 21.35 «Уфлар ва Ўзлонлар». 21.55 «Хангалар ва Ўзлонлар». 22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

22.15-00.05 «СПОРТ-КИТЪАСИ». 17.50 Янгиликлар. 17.55 «Ахборот». 18.00 «Нилубарлар гуллаганда». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси 18.20 — 21.40 Россия давлат телевидениеси 21.40 — 23.20 23.20 Ўзлонлар. 23.25 Янгиликлар. 23.30 — 00.05 «Уй». Телефильм.

17.05 «Кўзумчюк». Болалар учун курсатуви. 17.35 «Сизга таъзим». 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси. 19.55 Ўзлонлар. 20.00 «Тафсилот». 20.15 «Шифокор билан мулоқот». Бевосита мулоқот.

СЕПАНБА, 13

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.50-8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулulloх». 2-фасл. 24-қисм. 9.10 «Биржа ва банк хабарлари». 9.30 «Нафосат». Кинодастур. 10.10 Болалар учун. «Ок рух».

Уку машулотлари: 10.30 Адабиёт. 11.00 Немис тили. 11.30 Она тили. 12.00 «Ешик» студияси. «Мактубларингизни ўқиб...».

12.30-14.05 Ж. Махмудов. «Садокат». Олим Хўжаев номидagi Сирдарё вилоят театрининг спектакли. 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар.

18.10 «Кичиктон» студияси намойиш этади: «Дюно бобо даврасида». 18.40 Футбол шарҳи. 18.55 «Бугунги Европа». Публицистик курсатуви.

18.00 Янгиликлар. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Мультифейерверк». 18.25 ТВ II намойиш этади. 18.35 «Тропиканка». Телесериял (Бразилия).

19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Ўзлонлар. 19.50 «Ахборот» («Юкори сифат»). 20.00 «Мусликий йўлка».

20.10 «АРТ — журнал». 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзлонлар. 20.55 «Видеогид». 21.15 Охангалар ва Ўзлонлар. 21.35 «Кинонигоҳ».

23.15-00.15 «СПОРТ-КИТЪАСИ». 17.50 Янгиликлар. 17.55 Ўзлонлар. 18.00 «Буюк Ипак йўли». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси 7.30 — 9.00 Россия давлат телевидениеси 18.20 — 21.40 Россия давлат телевидениеси 21.40 — 23.20 23.20 Ўзлонлар. 23.25 Янгиликлар. 23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».

17.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари. 17.55 «Войча». Телефильм. 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультикарусель». 19.55 Ўзлонлар. 20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

20.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари. 21.10 «Халқ манфаати йўлида». Тошкент шаҳар хожими К. Н. Тулганов иштирокида бевосита мулоқот.

21.50 Ўзлонлар. 21.55 «Соқер-клуб». Футбол шарҳи. 22.45 — 00.15 «Кинематограф». ЧОРШАНБА, 14

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.50-8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулulloх». 2-фасл. 25-қисм. 9.10 «Санъат дўстликка чорлайди». «Сугдиёна» камер оркестри — Германияда.

9.55 «Янги аффиони ўрганизми». 10.25 «Кино усталари». Ўзбекистон халқ артисти Хикмат Латипов. 11.15 «Ешлик» студияси. «Талабахлик йиллари».

11.45 — 13.45 «Бешикчи давон». Видеоканал. 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Сендиқ муқаддаси».

18.30 Спорт хабарномаси. 18.40 «Адолат». Тележурнал. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Ўзлонлар. 19.50 Оқшом эртаклари.

20.05 «Иқтисод қорраҳларида». Тележурнал. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ахборот». 20.55 «Жайвон оламининг сирлари».



ПАЙШАНБА, 15

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.50-8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулulloх». 2-фасл. 26-қисм. 9.10 «Иқтисод қорраҳларида». Тележурнал.

9.30 «Эъзоздаги кўшиқлар». Мусликий дастур. 10.20 «Оддий кун». Телефильм. 10.30 Ботаника. 11.00 Ўзбек тилини ўрганизми. 11.30 География.

12.00 Ишбилармон. «Мулк эгасини тоғида». 12.20 — 12.50 «Шифокор экрани». Еш болаларда Уқир зотлиқанингни кечиси ва унга таъсис кўйиш.

17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ислохот ва маъсулият». Эзгулик йўлида.

18.45 Мусликий дақиқалар. 18.55 «Орраха». «Йўл интизомни ёқтиради». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 Ўзлонлар. 19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 «Юзма-юз». Шоир Муҳаммад Юсуф билан мулоқот. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот».

20.50 Ўзлонлар. 20.55 «Жонана келибдур». Уқтам Аҳмедов ва Рошел Рубинов. 21.40 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулulloх». 2-фасл. 27-қисм.

22.25 «Хотира». Саида Зуннунова. 22.25 Ўзлонлар. 22.30 «Ахборот». 23.50-00.25 «Олам ва одам». Матрикий курсатуви.

18.00 Янгиликлар. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Мультифейерверк». 18.35 «Тропиканка». Телесериял (Бразилия).

19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Ўзлонлар. 19.50 «Автосалон».

20.10 «Сизнинг услуб». 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзлонлар. 20.55 «Бони М». Тошкентда. 21.40 Охангалар ва Ўзлонлар. 21.40 «Кинонигоҳ».

23.40-00.20 «СПОРТ-КИТЪАСИ». 17.50 Янгиликлар. 17.55 Ўзлонлар. 18.00 «Самарқанд», «Билдирсой». Телефильмлар.

Россия жамоат телевидениеси 7.30 — 9.00 Россия давлат телевидениеси 18.20 — 21.40 Россия давлат телевидениеси 21.40 — 23.20 23.20 Ўзлонлар. 23.25 Янгиликлар. 23.30 — 24.00 Телефильм.

20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзлонлар. 20.55 «Рамазон кўшиқлари».

21.10 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулulloх». 2-фасл. 28-қисм. 21.55 «Назм ва наво». Бобур лирикаси. 22.55 «Галатеалик авлиё». Қисқа метражда телевизион бадий фильм.

23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот». 23.50-00.40 «Оталар сўзи — ақлининг қизи».

18.00 Янгиликлар. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Эртак». Болалар учун дастур. 18.45 «Ривоят».

18.50 «Кумл тақдими». 18.55 «Эртга — шанба». 19.10 «Охангалар оғушида». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 Ўзлонлар. 19.50 «RAKS» кўшиқлари. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзлонлар. 20.55 «Тасвир».

21.20 «Таманно». 21.30 Охангалар ва Ўзлонлар. 22.10 — 23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

17.50 Янгиликлар. 17.55 Ўзлонлар. 18.00 «Хайкалтарош Илхом Жабборов». «Менинг республикам». Телефильмлар.

Россия жамоат телевидениеси 7.30 — 9.00 Россия давлат телевидениеси 18.20 — 21.40 Россия давлат телевидениеси 21.40 — 23.20 23.20 Ўзлонлар. 23.25 Янгиликлар. 23.30 — 24.00 «Шоҳсула сари».

17.05 «Хайларастлар». Бадий фильм. 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультикарусель». 19.55 Ўзлонлар. 20.00 «Китоб растаси». 20.15 «Бизнес-академия».

20.45 «Лобус». 21.20 «Билми кўйган яши». 21.45 Ўзлонлар. 21.50 «Компьютер-рево». 22.15 «Эллада».

22.55 «Мусликий меҳмонхона». 23.35 — 00.35 «Янги технология дўкон» (янги компьютер технологияси).

ПАШАНБА, 17 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулulloх». 2-фасл. 28-қисм. 9.15 «Шоҳсула». Бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони. 10.15 «Санъат гунаҳлари».

10.45 Т. Содиқова. «Аёл қалби». Адабий композиция. 11.05 «Сугдиёна қизлари». Бадий фильм. 12.20 «Тараннум». Мусликий дастур. 12.50-13.20 «Бу дамлар ўхшар эртакка».

10.00 «Пепли — узун пайпоқ». Болалар учун фильм. 2-серия. 11.05 Ўзлонлар. 11.10 «Дарга кўнжир».

11.40 «Музик холл». 12.10 «Безенел-марас» (татар тилида). 12.50 — 13.05 «Майда-чуйда».

17.00 «Марк Твен қарши...». Бадий фильм. 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси. 19.40 «Сибҳонча». Болалар учун дастур.

20.00 Ўзлонлар. 20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 20.55 «Телташриф».

21.05 «Бугунги Европа». 21.30 «Олам ва одам». 22.00 «Пулис». 22.20 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».

22.45 «Бу ажиб дунё». 23.00 — 00.30 «Кинематограф». ЯҚШАНБА, 18

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулulloх». 2-фасл. 29-қисм. 9.15 «Компьютер сабоқлари».

9.45 «Най». Телефильм. 10.25 «Ватанимга ҳизмат қилман».

11.00 «Камлақ». Болалар учун кинодастур. 12.30 «Шоҳрух» клуби. 13.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.

13.40 «Сирли сандиқ». Телевизион уйин. 14.40 — 15.40 «Инсон ва замин». Тележурнал.

Ешлар ва спорт курсатувлари яқолий дарсаклаш намойиш этади: 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 Спорт хабарномаси.

18.10 «Замон». 18.25 «Ешлар билан юзма-юз». 19.05 «Ойна ҳақида...».

19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида). 19.55 Ўзлонлар. 20.00 «Сабҳатнома». «Италия таассуротлари».

20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Хафтаном». 21.00 Ўзлонлар. 21.05 «Футбол майдонларида».

21.35 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулulloх». 2-фасл. 30-қисм. 22.30 «Ўхшаш чехралар». Дам олиш дастури.

23.20 Ўзлонлар. 23.25 «Хафтаном». 24.00-00.40 «Кувнок трамвай». Юмористик курсатуви.

9.00 «Эртак». 9.30 «Ривоят». 9.35 «RAKS» кўшиқлари. 10.10 «Тасвир».